ЛЕНИНЧА БУЮК АНЪАНА

12 АПРЕЛДА БИРИНЧИ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИКНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНАДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 3 апрель 1969 йил, пайшанба ● № 79 (14.242). ● Баҳоси 2 тийин.

БУЮК ТАРИХИЙ ҲАРАКАТНИНГ ЯРИМ АСРЛИК ТАНТАНАСИ

●

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ЖУШҚИН МЕҲНАТ ПАЛЛАСИ

●

ЯЙЛОВЛАРИМИЗ МОЛГА ТЎЛСИН.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАЛАРИ

Республикамизда пахтачилик билан бирга чорвачилик ҳам салмоқли ўрин тутади. Бепоён яйловлардаги юз минглаб, миллионлаб қўйлар, хўжаликларнинг фермаларидаги катта-кичик моллар эл бойлиги, халқимиз маъмурчилигининг асосий манбаларидир. Беш йилликнинг тўртинчи йилида диёримиз чорвадорлари мол туёғини кўпайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан катта мажбуриятлар олганлар ва бу мажбуриятларни шараф билан бажариш йўлида жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Йилнинг иккинчи фасли — баҳорга бу йил чорвадорларимиз катта машаққат билан келдилар. Узоқ давом этган қаҳратон қиш чорвадорларимизга озмунча зарар-заҳмат етказмади. Қишлоғга тайёргарлик яхши кўрилмаган жойларда молларнинг бир қисми нобуд ҳам бўлди. Лекин кўпчилик чорвадорларимиз оғир кунларни зўр чидам билан енгдилар ва катта-кичик молларни қишдан эсон-омон олиб чиқдилар. Лекин қишнинг аччиқ сабоқларини унутиш мумкин эмас. Унинг оқибатлари бундан буён чорвачиликни тинмай ривожлантиришни, мамлакатимиз ва халқимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришни, бунинг учун эса, чорвачиликнинг истиқболи учун тинмай қайғуришни тақозо этади.

Шунинг учун ҳам илғор чорвадорлар чорвачиликни юксалтириш юзасидан ўз зиммаларига катта мажбуриятлар олмоқдалар, янги ташаббусларни майдонга ташламоқдалар. Бу борада Сирдарё областидаги Фориш райони чорвадорларининг 1969 йил учун олган социалистик мажбуриятлари диққатга сазовордир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган бу ташаббусни ҳозирги кунда республикамиздаги барча чорвадорлар муҳокама қилиб, унга қўшилмоқдалар, чорва туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш юзасидан муҳим тадбирларни белгиламоқдалар. Самарқанд область Пастдарғом районидаги «Улус» совхозининг коллективи форишликлар чақиригига жавобан ҳар 100 совлиқдан 135 тадан қўзи олишга аҳд қилди. Бойсун районидаги «Шеробод» совхозининг чўпонлари ва мутахассислари барча имкониятларини ҳисобга олиб чиқиб, бу йил планда белгиланган 22.800 ўрнига 25 минг бош қўзини наслга қолдиришга қарор қилдилар.

Форишликлар ўз мажбуриятларида чорва туёғини кўпайтиришнинг энг муҳим омили — ургочи қўзиларнинг ҳаммасини наслга қолдириш эканлигини уқтирадилар. Шу билан бирга улар гўштга топшириладиган моллари юқори семизликка етказиб боқиш, чорванинг озуқа базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш зарурлигини илгари сурадилар. Уларнинг бу ҳаракати республикамиздаги барча чорвадорларнинг умумий ҳаракатига айлантирилиши лозим. Барча чорва моллар болалаётган ва қўйлар қўзилаётган ҳозирги кунларда чорвачилининг бундан буёнги истиқболи учун қайғуриш, ҳар бир область, район, хўжаликда мол туёғининг бут бўлиши ва чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўл етиштирилиши учун қаттиқ кураш олиб борилиши лозим. Афсуски, баъзи жойларда чорвачиликни ривожлантириш учун курашнинг энг муҳим чора-тадбирлари ўз вақтида амалга оширилмайди, чорвачиликнинг мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш ҳақида қайғурилмайди. Қиш-қировли кунларда ёки ем-хашак танқис бўлган пайтларда кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари шошиб қоладилар. Бундай жойларда четдан ем-хашак сотиб олинади, молларнинг яхши ўсмаслиги, етарли маҳсулот бермаслиги орқасида чорвадан зарар кўрилади. Бухоро областининг Навоий район хўжаликларида юз бериб келаётган аҳвол бунга ёрқин мисолдир. Бу районда ем-хашак жамғариш кўпдан буён эътибордан четда қолиб келмоқда.

Чорвачиликнинг ривожлантирилиши унинг қанчалик рентабелли соҳага айлантирилиши билан ўлчанади. Эндиликда чорвачилик зарар келтирадиган соҳа бўлиши сира мумкин эмас. Бунга чек қўйиш пайти аллақачон етган. Фақат бу соҳага эътиборни кучайтириш, яхши тажриба ва ташаббусларни кенг оммалаштириш, ҳар қандай шароитда ҳам молларнинг йил — 12 ой тўқ ва соғлом бўлиши учун ҳамма тадбирларни кўриш керак.

Ҳозирги кунда чорвадорларимиз олдида турган энг муҳим вазифа қўзилатиш кампаниясини зўр уюшқоқлик билан ўтказишдан иборатдир. Ҳамма жойда қўйлар қўзиламоқда. Дастлабки натижалар ёмон эмас. Кўп отларда ҳар 100 бош совлиқдан ўрта ҳисобда 130-140 тадан ва ҳатто ундан кўп қўзи олинаётгани ҳақида хушхабарлар келмоқда. Аммо бу йилги шароитда янги туғилган ва наслга қолдириладиган қўзиларни ниҳоятда эҳтиётлик билан асраш, янги бўшалган совлиқларни алоҳида парвариш қилиш диққат марказида турмоғи лозим.

Туғилган ургочи қўзининг ҳаммасини наслга қолдиришни қаттиқ қонда қилиб қўйиш даркор. Ургочи қўзиларни сўйиб юбориш ҳолларига қаттиқ зарба бериш керак. Ҳали ҳам кўпгина яйловларда совуқ изғиринлар кезмоқда, ёмғирлар ёғмоқда. Қўзиларни совуқ ва ёмғирдан сақлаш учун барча чораларни кўриш, уларни иссиқ жойларда яхши парвариш қилиб, соғлом ўсишини таъминлаш зарур. Бу ишда партия ташкилотлари, коммунистлар бош-қош бўлиб туришлари даркор. Чўпон-чўлиқларга меҳрибонликни кучайтириш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш чораларини кўриш, чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани янада қизитиб юбориш зарур.

Республикамиз чорвадорлари бу йил 170 минг тонна гўшт, 390 минг тонна сут, 230 миллион дона тухум, 16700 тонна жун етиштиришлари керак. Бунда ҳар бир молнинг юқори семизликда гўштга топширилишини таъминлаш, ҳар бир сигирдан энг кўп сут олиш, қўйларни яхши боқиш орқали жун қирқимини ҳар йилгидан оширишни кўзлаб иш тутиш керак. Шонли беш йилликнинг тўртинчи йили вазифаларини муваффақиятли бажариш, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун курашаётган чорвадорларимиз ўзларининг ижодий ғайрати, уларнинг қаҳрамонона йўли ва В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган мусобақада эришган муваффақиятлари кенг «кўрсатиб берилмоқда.

«Чорвоқ чироқлари», «Бинокор касбини қадрланг» сарлавҳали мақолалар, «Ўзбек пўлатининг қудратли оқими», «Ўзбекистон бинокорлари Ленинча вахтада» деган мавзуларда берилган саҳифалар, «Олмалиқ индустрия гиганти» қўш саҳифаси юксак баҳога сазовор бўлди. Газетанинг «Ишчи номи меҳрўр жаранглар, шон-шуҳрати тилларда янграр» деган шиор остида чиқарилган махсус сони газетхонларга жуда манзур бўлди. Газетанинг бу сонида Тошкент, Чирчиқ, Бекобод, Ангрен, Янгийўл ва областдаги бошқа шаҳарлар ишчиларининг бунёдкорлик меҳнати кенг тасвирлаб берилган. Газетанинг бутун сони совет халқининг ўз авангарди — ишчилар синфи туғайли ифтихор туйғулари билан, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғоялари билан суғорилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика, область ва шаҳар газеталари, радио ва телевидение редакцияларига республика ишчилар синфининг қаҳрамонона ишларини кенг ёритишни топширди. Ёшларни ишчилар синфининг шонли революцион ва меҳнат традицияларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига ишлаб чиқариш касбларини севиш туйғуларини сингдириш — журналистларнинг фахрли бурчидир. Редакциялар республика меҳнаткашларининг Ленин юбилейи шарафига олган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини мунтазам суратда ёритиб туришлари керак.

СУРХОНДАРЁ, ҚАШҚАДАРЁ, БУХОРО ОБЛАСТЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ.

БУГУН - ЭРТА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҲАММА ЕРИДА ЭКИШГА КИРИШИЛАДИ.

ЧИГИТНИ ФАҚАТ ЯХШИ ТАЙЁРЛАНГАН ЕРЛАРГА СИФАТЛИ ҚИЛИБ ЭКАЙЛИК.



Шўрчи районидаги Карл Маркс номли колхознинг ғалланорлари суғориладиган ерларга баҳорги дон экишга киришдилар. Бу йил гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган Халил Бердиев бошлиқ бригаданинг механизаторлари экиш агрегатларини биринчи бўлиб далага олиб чиқишди. Суратда: бригадада бугдой экиш пайти.

А. Ким фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

БУХОРОДА ЧИГИТ ЭКИЛЯПТИ

Бухоро далаларига файз кирди. Ерни оби тобида тайёрлаган илғор пахтакорлар чигит экишга киришдилар. Ромитан районининг хўжаликлари областда биринчи бўлиб чигит экишни бошлаб юборишди. Дастлабки куни «Ўзбекистон», «Октябрь» ва Навоий номли колхозларда бир неча ўн гектар майдонга танлаб чигит экилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил Байроғини доимий сақлаш учун олиш шарафига мусобақа бўлган «Октябрь 50 йиллиги» совхозида экиш-тикиш ишлари жадал суръат, аъло сифат билан давом эттирилмоқда. Саттор Нарзуллаев бошлиқ бригада совхозда биринчи бўлиб чигит экишга киришди. Моҳир механизатор Пирим Мансуров дастлабки икки кун ичида 12 гектар майдонга чигит экиб берди.

Бошқа хўжаликларда ҳам чигит экиш бошланди.

М. БАҚОЕВ.

ЭКИШГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

Ўзбекистон ССР областларида баҳорги экиш учун ер ҳайдаш, баҳорги дон ва беда экишнинг борыши тўғрисида 1969 йил 2 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Минг гектар ҳисобида)

(Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — план бўйича ҳайдалиши зарур бўлган ер, учинчи устун — жами ҳайдалган ер, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда ҳайдалган ер, бешинчи устун — баҳорги дон экиш плани, олтинчи устун — жами экилган дон, еттинчи устун — шу жумладан бир кунда экилган дон, саккизинчи устун — беда экиш плани (донга аралаштириб экиладиган беда ҳам шу ҳисобга киради); тўққизинчи устун — жами экилган беда, ўнинчи устун — шу жумладан бир кунда экилган беда).

Тошкент	207,7	178,85	1,77	46,8	3,16	0,87	12	0,59	0,14
Сирдарё	322,3	264,87	0,53	71,5	8,47	2,22	19,2	0,22	—
Фарғона	222,9	43,05	1,03	4,8	—	—	9,1	5,77	0,15
Наманган	151	92,49	—	7,8	0,86	—	5,5	3,80	—
Андижон	204,6	94,42	1,10	1,8	1,15	—	6,5	3,99	0,20
Самарқанд	234	128,74	0,47	133,1	16,06	4,78	13	5,93	1,60
Бухоро	168,9	148,05	—	10,1	2,28	0,45	10,5	1,28	0,29
Қашқадарё	148,8	117,88	0,24	70,9	17,17	1,70	8,3	1,86	—
Сурхондарё	153	123,77	1,30	32,8	14,04	0,02	8	7,19	0,31
Хоразм	131	11,18	0,13	4,8	—	—	6	—	—
ҚҚ АССР	164,8	27,29	0,20	10	—	—	10	—	—
Республика бўйича:	2109	1230,59	6,77	394,4	63,19	10,04	108,1	30,65	2,69

Ўзбекистон ССР областларида шўр ювишнинг борыши тўғрисида 1969 йил 2 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Минг гектар ҳисобида)

(Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — шўри ювилган зарур бўлган майдон; учинчи устун — шўри ювилган майдон, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда шўри ювилган майдон; бешинчи устун — планнинг бажарилиш процанти).

Самарқанд	3	3,4	—	113
Сирдарё	59	59,3	—	100
Қашқадарё	11	9,8	02	89,1
Наманган	30	26,4	0,2	88
Бухоро	160	126,7	6	79,2
Андижон	9	6,1	0,7	67,8
Хоразм	462	222,9	14,7	48,2
Тошкент	1	0,4	—	40
Фарғона	149	54,1	3	36,3
ҚҚ АССР	385	124,5	6,2	32,3
Сурхондарё	23	7,2	0,2	31,3
Республика бўйича	1292	640,8	31,2	49,6

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ИШЧИЛАР СИНФИГА БАҒИШЛАНАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ИШЧИЛАР СИНФИ ҲАЁТИНИ ЁРИТИШ СОҲАСИДАГИ ТАШАББУСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ишчилар синфи ҳаётини ёритиш соҳасидаги қимматли ташаббусини маъқуллади.

Газета республика ишчилар синфига бағишланган материалларни мунтазам суратда босиб чиқармоқда. Бу материалларнинг баъзилари, масалан, «Ленинча меҳнат вахтасида», «Беш йиллик зарбдорлари» деган махсус рубрикалар остида берилмоқда. Корхона раҳбарларининг, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг мақолалари босиб чиқарилмоқда, мунтазам суратда уюштирилаётган саҳифалар, кўш саҳифаларда ва газетанинг айрим сонларида ишлаб чиқариш коллективларининг ижодий ғайрати, уларнинг қаҳрамонона йўли ва В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган мусобақада эришган муваффақиятлари кенг «кўрсатиб берилмоқда.

«Чорвоқ чироқлари», «Бинокор касбини қадрланг» сарлавҳали мақолалар, «Ўзбек пўлатининг қудратли оқими», «Ўзбекистон бинокорлари Ленинча вахтада» деган мавзуларда берилган саҳифалар, «Олмалиқ индустрия гиганти» кўш саҳифаси юксак баҳога сазовор бўлди. Газетанинг «Ишчи номи меҳрўр жаранглар, шон-шуҳрати тилларда янграр» деган шиор остида чиқарилган махсус сони газетхонларга жуда манзур бўлди. Газетанинг бу сонида Тошкент, Чирчиқ, Бекобод, Ангрен, Янгийўл ва областдаги бошқа шаҳарлар ишчиларининг бунёдкорлик меҳнати кенг тасвирлаб берилган. Газетанинг бутун сони совет халқининг ўз авангарди — ишчилар синфи туғайли ифтихор туйғулари билан, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғоялари билан суғорилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика, область ва шаҳар газеталари, радио ва телевидение редакцияларига республика ишчилар синфининг қаҳрамонона ишларини кенг ёритишни топширди. Ёшларни ишчилар синфининг шонли революцион ва меҳнат традицияларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига ишлаб чиқариш касбларини севиш туйғуларини сингдириш — журналистларнинг фахрли бурчидир. Редакциялар республика меҳнаткашларининг Ленин юбилейи шарафига олган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини мунтазам суратда ёритиб туришлари керак.

Н. В. ПОДГОРНИЙ МАРОКАШГА КЕЛДИ

РАБОТ, 1 апрель. ТАСС). Қирол Ҳасан II нинг таклифига биноан, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бугун расмий визит билан Марокашга келди. Работ Марказий аэродромида ҳурматли совет меҳмонини Марокаш қироли Ҳасан II ва бошқа расмий шахслар кутиб олишди.

ШАНБАЛИКДА 120 МИНГ КЎЙЛАК

БУНДАН 15 кун олдин корхонамиз пардозлаш фабрикасининг аъзоматлари бутун комбинатимиз тўқимачиларига чақириқ билан мурожаат қилдилар. Улар ленинча шанбаликнинг 50 йиллиги муносабати билан ўз зиммаларига мажбуриятлар олган эдилар. Меҳнат Қизил Байроқ орденли комбинатимиз коллективи 12 апрелни биринчи коммунистик шанбалик юбилейи сифатида муносиб нишонлашга аҳд қилди.

12 апрель куни корхонамизнинг каттадан-кичиги ишда бўлади. Худди шу куни гулзорлар тартибга келтирилади. Дарахтлар оқланади. Гул ва дарахтларнинг таги юмшатилади. Машина-ускуналарни созлаш учун ҳам бир қанча кишилар сафарбар этилади.

Корхонамизда ёшлар кўп. Улар шаҳардаги 15 ётоқхонада истиқомат қилишади. Йигит-қизлар шанбалик куни ўз ётоқхоналарини оқлайдилар, тартибга келтирадилар, уларнинг олдида гулзорлар барпо қиладилар, дарахт кўчатлари ўтказадилар.

Шанбаликда Тошкент тўқимачилари камида 350 минг метр газлама тўқиб чиқарадилар. Бир сменада ишлаб чиқарилган шунча газламанинг ўзидан хотин-қизлар учун 120 минг дона кўйлак тикиш мумкин. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар шанбаликка тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар.

Корхона маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари шанбаликда бажарилиадиган ишларни белгилаб чиқдилар. Комбинат коллективи шанбаликда ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш тараддудини кўряпти.

В. ЗИКОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг бош инженери,
М. ИЎЛДОШЕВА,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, пилталовчи,
В. ЕМЕЛИН,
пардозлаш фабрикасининг директори,
Н. МАҚСУМОВА,
мастер,
Т. СУЛАЙМОНОВ,
комбинат партия комитети секретарининг ўринбосари,
Т. КРОТКОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, йигирувчи.

МУНОСИБ ТУҲФА ТАЙЁРЛАЙМИЗ

БАҲОР келди. Деҳқонларнинг серташвиш фасли бошланди. Ерга «оқ олтин» уруғи қадашга киришиляпти. Бу бизнинг машинасозларимиз зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди. Чунки биз пахтакор деҳқонларимизнинг беминнат дастёри, қаноти бўлган қишлоқ хўжалик машиналари етказиб туришимиз керак. Ўн иккинчи апрельнинг куни. Биринчи ленинча шанбалик ўтказилган кунга 50 йил тўлади. Хўш, шу улуғ аёмда корхонамиз коллективи муносиб туҳфа тайёрлаш учун қандай тайёргарлик ишлари олиб боришяпти?

Аввало шуни айтиш керакки, коллективимиз ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалик машиналарига бўлган талаб катта. **Улар улуғ шанбалик нишонланадиган кунда 30 та «СЧХ-4А-1» маркали сеялкалар, 10 та «УПХ1,5Б» маркали кўрак чувувчи, 6 та «ПХП-1,8» маркали тўкилган пахтани йиғиб-териб олувчи машиналар ишлаб чиқаришни дилга тугдилар.**

Корхонамиз жонкуяр ва меҳнатсевар ишчилари ўзлари меҳнат қилаётган даргоҳни ободонлаштириш, тозалигини сақлаш борасида ҳам анчагина ишларни бажарадилар. Ленинча шанбаликнинг 50 йиллигида бир талай ишчилар ишлаб чиқариш билан банд бўлсалар, бошқалари завод ободончилиги билан шуғулланадилар. Улар минг тупга яқин гул, 200 туп мевали дарахт 10 минг тупга яқин манзарали дарахт кўчатлари ўтказадилар. Биз шу кунларданоқ бўлажак шанбаликни ҳар томонлама сермазмун ва баракали меҳнат билан кутиб олиш тараддудини кўрмоқдамиз. Бу бизнинг улуғ ғоямга муносиб туҳфамиз бўлади.

С. СВИСТУНОВ,
«Узбексельмаш» заводи партия комитетининг секретари.
Г. БОЛЬШАКОВ,
касаба союз ташкилотининг раиси.
Ж. МУҲИДДИНОВ,
цех бошлиғи.

ДЎСТЛИКНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИГА ИШОНАМИЗ

Совет—Хитой дўстлиги жамиятининг Марказий правлениеси баёнот эълон қилди. Унда Даманский ороли районида Хитой маъмурларининг қуролли нигвогарликлари хусусида Совет ҳукуматининг берган баёноти тўла-тўкис қўллаб-қувватланади.

Совет кишилари, дейилади баёнотда, Хитой халқи билан азалдан дўстдирлар. Бу дўстликнинг бешигини улуғ Ленин ва Хитой халқининг шонли фарзанди Сунь-Ят-сен тебратган. Неча минглаб Совет кишилари ва Хитой интернационалист коммунистлари шу дўстлик учун ўз қаётларини қурбон қилганлар. Хитой халқи бошидан оғир мусибат кечираётган бўлса-да, лекин биз деб уқтирилади Баёнотда, ўз озодлиги учун курашда қаҳрамонона йўл босиб ўтган халқнинг эришган социалистик ғалабаларини ҳимоя қилиш учун, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бирлиги ва жипслиги улуғвор кучига, Совет — Хитой дўстлиги кучига садоқатини сақлаб қолмоқ учун куч-ғайрати етишига қаттиқ ишонамиз.

(ТАСС).

Яйлов соҳиблари учун

● Нурота тизма тоғлари этакларидаги Сафарота деган чиройли жойда чўпонлар учун янги дам олиш бинои қад кўтаряпти. Бу ерда беш колхоз юздан ортиқ киши учун дам олиш уйи қурмоқда. Асосий корпусда шинам палаталар, процедура кабинетлари, қизил бурчак, кутубхона ва қироатхона жойлаштирилади. Бу ерда катта ошхона, спорт шаҳарчаси, майдончалар, ҳовуз ва бог барпо этилади.

Чўпонларнинг дам олиш уйи яқинида қишлоқ станцияси ташкил қилинади.

Совет Ўзбекистони **ЛЕНИНЧА ЛЕКТОРИЙ**

ҚУДРАТИМИЗ ДЎСТЛИКДА

Улуғ айём — доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг муборак бир асрлик юбилейи тобора яқинлашмоқда. Юбилейга тайёргарлик совет жамияти кўп қиррали ҳаётининг ҳамма жабҳаларида беқиёс кўтаринкилик ҳукм сурган бир пайтда олиб борилмоқда. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» газетасининг саҳифаларида бугундан бошлаб янги рубрика — «Ленинча лекторий» очилди. Унда область, шаҳар, район партия комитетларининг, корхона, колхоз, совхоз, муассаса ва ўқув юртлари партия ташкилотлари секретарларининг партия қурилишининг ленинча принциплари ва унинг ҳозирги замон шароитида партиямиз томонидан изчил ривожлантирилаётганлиги ҳақидаги мақолаларни беради. Бугун эътиборингизга Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расуловнинг халқларнинг ленинча дўстлиги ҳақидаги мақоласини ҳавола қиламиз.

С. Р. РАСУЛОВ,
Узбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

СССР халқларининг буюк биродарлик қардошлиги қарор топганлиги — Совет ҳокимияти ярим асрдан энёд вақт мобайнида босиб ўтган қаҳрамонона йўлнинг порлоқ натижаларидан бири, социализмнинг улуғ ғалабаларидан биридир. Мамлакатимиз, жумладан, Совет Ўзбекистони тараққиётининг тарихий тажрибаси миллий масалани ҳал этишда социалистик тузумнинг роли ва аҳамиятини ҳар томонлама тўлиқ очиб беради. Социализм миллатларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлилиги ва совет миллий давлатлари тузилишини таъминлабгина қолмай, балки миллатларнинг иқтисодий ва маданий тенгсизлигига ҳам узил-кесил барҳам берди, моддий ва маънавий кучларнинг ғуркираб ривожланишини таъминлади. Миллатларнинг равнақи ва яқинлашуви, умумий иқтисодий ва маданий юксалиш— СССР халклари қардошлик оиласининг ривожланиш ва мустаҳкамланиш йўли мана шундайдир. КПСС ленинча миллий сиёсатининг ҳаётий кучи ҳам ана шундадир!

Коммунистик қурилишнинг ҳар бир они социалистик миллатларни тобора жипслаштирмоқда, улар ўртасида моддий ва маънавий бойликлар алмашинишини тобора кенгайтириб ва ривожлантириб бормоқда. Совет халқи шонли Коммунистик партия раҳбарлигида ягона сафда елкама-елка туриб, янги жамиятнинг моддий-техника базасини вужудга келтирмоқда, маънавий-сиёсий, ғоявий бирлигини мустаҳкамлай бориб, ижтимоий муносабатларни такомиллаштирмоқда.

Ватанимиз халқларининг социалистик ҳамдўстлиги иқтисодий ва социал умумийлик негизида барпо бўлгандир. Мақсадлари ва марксча-ленинча идеологиясининг бирлиги коммунизм ишига садоқати, интернационализм ва совет ватанпараварлиги, миллий туйғу ифтиҳорни ҳурматлаш, дўстлик ва қардошлик — жамиятимиз аъзоларининг характерли хусусиятларидир.

Биз — интернационалистлармиз... В. И. Ленининг бу ибораси социализмга идеологиямизнинг энг муҳим хусусиятини ва совет кишиси маънавий қиёфасининг жуда муҳим томонларини ифодалаб беради. СССР халқлари метиндай мустаҳкам дўстлигининг қудратини, ҳаётбахшлигини Тошкент шаҳри мисолида ҳам равшан кўриб турибсиз. Ҳозирги кунда Тошкент социализмнинг Шарқдаги машъалига, Осиёнинг йирик индустриал шаҳрига, фан ва маданият ўчоғига айланди.

Ўтмишигни унутма, ўтмиш келажакнинг устоси, дейди донo халқимиз. Зотан, ўтмишни билмай туриб бугунги ҳаётимиз ҳанчалик илгарилаб кетганлигини тасаввур этиш қийин. Тошкент ҳақидаги дастлабки маълумотлар гарчи эрамиздан аввалги II асрларга бориб тақалса-да, ана шу йиллаб асрлар давомида унинг «тараққиёти» майда, пастак гувала уйлардан, майда ҳунармандчиликдан нари ўтмади. XIX асрда Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бирига айланган кўҳна Тошкент аҳолиси 80 минг кишидан ошмасди.

Асрий зулм остида эзилган Туркистон ўлкаси қатори Тошкент аҳли ҳам Коммунистик партия туфайли, улуғ Ленин туфайли ҳақиқат нуридан баҳраманд бўлди. Худди шунингдек, Тошкентда пролетариат синфининг пайдо бўлиши, маҳаллий халқ оммасида революцион онгнинг ўсиши, марксизм ғоялари тарқалишида қардош халқлар, айниқса оғамиз рус халқининг илғор намояндалари катта роль ўйнадилар. Тошкент меҳнаткашлари рус ишчилар синфи, Ленин партияси раҳбарлигида миллий ва социал зулмга қарши курашга дадил отланди.

Марксистик адабиётлардан, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия Манифести», «Капитал», «Анти — Дюринг», «Фалсафа қашшоқлиги», В. И. Ленининг «Нима қилмоқ керак?», «Бизнинг ташқилий вазифаларимиз ҳақида ўртоққа хат» сингари асарларини, «Искра», «Пролетарий», «Вперёд» большевистик газеталарини маҳаллий аҳоли орасида тарқатиш ва уларнинг моҳиятини тушунтириб беришда А. В. Худаш, Я. И. Бабак, В. Д. Корнюшин, К. Д. Литвиненко, В. В. Биховский, А. А. Линяев сингари большевик-революционерлар бебаҳо хизмат қилдилар.

Ўзбек меҳнаткашларининг бошқа миллатлар билан ленинча дўстлиги революция жангларида, Совет ҳокимиятини ички ва ташқи душманлардан қимоя қилиш учун олиб борилган аёвсиз курашларда тобланиб мустаҳкамланди. Пойтахтимизнинг темир йўл вокзали рўпарасидаги майдонга ўрнатилган улуғвор монумент Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишига жонларини бағишлаган 14 комиссарга авлодлар миннатдорчилигининг ўчмас белгиси бўлиб турибди. Улар аҳолига бирор миллатнинг манфаатлари учун эмас, балки барча миллат ва меҳнаткашларнинг озодлиги, бахт-саодати йўлида курашиб қурбон бўлдилар.

Ўша вақтда Тошкент Европа ва Осиё мамлакатларидан келган чет эллик коммунистларнинг партия группалари фаолият кўрсатадиган маскан ҳам бўлиб қолган эди. 1920 йили бу ерда венгр ва чех, словак ва форс, ҳинд ва бошқа халқларга мансуб 679 коммунистни бирлаштирган 9 та чет эл партия группаси бор эди. Уларнинг ташаббуси билан Тошкентда интернационал пропаганда Совети тузилиб, бу Совет Шарқ тилларида газета-журнал ва варақалар чиқариб Улуғ Октябрь ғояларини, халқлар дўстлиги ғояларини пропаганда қилди.

В. И. Ленин «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» ёзган хатида «Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш... Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир» деган эди. Бу мактуб Совет Шарқида большевиклар ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат органларини оммага яқинлаштириш, маҳаллий миллат меҳнаткашларининг кенг оммасини давлатни бошқариш органларига тортиш, Туркистон Коммунистик партияси сафларини ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, Туркистон халқларининг дўстлигини — рус ва маҳаллий меҳнаткашлар оммасининг бузилмас биродарлик иттифоқини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлди.

Совет халқи улуғ Ленин васиятларига амал қилиб бир авлод умри мобайнида мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Тарихан жуда қисқа даврда СССР дунёдаги энг илғор ва қудратли давлатлардан бири бўлиб қолди. Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан, Узбекистон капитализм машаққатини четлаб ўтиб, тўғридан тўғри социалистик тараққиётнинг нурли йўлига чиқиб олди. Бугунги Тошкент қиёфаси бундан ярим аср олдинги манзарадан тамоман бошқачадир. 1913 йили Тошкент корхоналарида бор-йўғи 3 минг ишчи бўлган бўлса, ҳозир пойтахтимизда қариб 400 саноат ва транспорт корхоналари ишлаб турибди. Саноатнинг ялпи маҳсулоти ўша 1913 йилдагидан 209 баравар ошиб кетди! Революцияга қадар нигнан ҳам четдан олиб келишга мажбур бўлган шаҳримиз эндиликда ўз маҳсулотини дунёнинг етти иқлимидаги 70 мамлакатга чиқармоқда.

Йигирманчи йилларнинг бошларида тошкентлик йигит ва қизлар Москва, Ленинград, Киев ва Иттифоқимизнинг бошқа марказий шаҳарларида фан чўққиларини эгаллашган бўлса, ҳозир пойтахтимиз Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларидан келган ёшларга билим бермоқда. 17 олий ўқув юрти ва 25 махсус ўқув юртларида улар илм чашмаларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Шундай. Узбек халқи ўзининг интернационал бурчини адо этиб миллий кадрлар тайёрлашда Осиё ва Африка халқларига беғараз ёрдам бериб келмоқда.

Эндиликда Тошкент халқлар дўстлиги ва халқаро форумлар шаҳрига айланиб қолди. Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестиваллари, хотин-қизларни ўқитиш масалалари бўйича Осиё ва Африка мамлакатлари аёлларининг халқаро семинари, иссиқ иқлимли мамлакатлардаги касалликлар бўйича халқаро конференция, Африка ва Осиё мамлакатлари ёзувчиларининг конференциялари ва бошқа халқаро анжуманлар шу ерда ўтказилди. 1966 йил январида Узбекистон пойтахти муҳим тарихий воқеанинг гувоҳи бўлди. Бу ерда Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги низоли масалаларни нормаллаштириш бўйича конференция ўтказилиб, унда Осиёнинг бу икки буюк давлати олдида тинчлик ва тараққиёт йўлини очиб берадиган Тошкент Декларацияси имзоланди. Буларнинг ҳаммаси социалистик Тошкентнинг бутун дунёдаги обрў-эътиборини янада оширди.

Тошкент биродарлашган шаҳарлар Умумжаҳон федерациясининг аъзосидир. У ҳозир Покистоннинг Карочи, Ҳиндистоннинг Патнаси, Ливиянинг Триполи, Малининг Бомако, Марокаш, Пирис шаҳарлари билан бевосита иқтисодий-маданий ва илмий алоқалар ўрнатиб, ўзаро делегациялар алмашмоқда.

Биз совет кишилари учун у ёки бу миллий райондаги миллатларнинг сони эмас, балки у қайси синфдан иборат эканлиги ва шу район ҳаётида қандай роль ўйнаётганлиги, қандай ҳуқуқлардан фойдаланаётганлиги муҳимдир. Республикамизда руслар аҳолининг 13 процентини ташкил қилади. Москва, Ленинград, Харьков, Киев шаҳарларида яшаб ишлаётган ўзбеклар синфари улар ҳам ишчи, колхозчи, хизматчилардир.

Ишчилар синфи ўз табиати билан интернационалдир, деб таълим беришган эди Маркс ва Энгельс. Бунинг нақадар тўғрилигини пойтахтимиз корхона ва муассасалари, ўқув юртлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳозир Тошкент тўқимачилик комбинатида 41 миллат вакиллари, Октябрь Революцияси номли заводда 27 миллат фарзандлари бир оила аъзоларидек меҳнат қилмоқда. Тошкент Давлат университетида 47 миллатнинг, Политехника институтида 42 миллатнинг ўғил ва қизлари ўқимоқда.

130 дан ортиқ миллат ва халқлардан иборат бўлган Ватанимиз аҳолисини бир мўътабар ном билан — совет халқи деб атаймиз. Бу тушунча миллийлик ва интернационалликнинг мужассам бирлиги тушунчасидир. Бу дўстлик уч революция жангларида тобланди, граждан ва Улуғ Ватан уруши жангларида, социализм қуриш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун қаҳрамонона меҳнат майдонида енгилмас кучга айланди. Бу дўстлигимиз қудрати ўзининг бутун улуғворлиги ва ҳаётбахшлигини жаҳонга рўй-рост кўрсатди. Ўша вақтда аҳолиси ярим миллионлик Тошкент шаҳри душман вақтинча босиб олинган районлардан эвакуация қилинган бир ярим миллион кишини кенг бағрига олди. Турли миллат фарзандларидан 14 болани тарбиялаган Баҳри ва Шоҳмеҳ Шомаҳмудовлар, 16 болага оналик қилган Фотима Қосимова номини бутун мамлакат зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

Дўст бошга кулфат тушганда билинади, дейди халқимиз. 1966 йил апрелидаги зилзилага совет халқи ўзининг қудратли дўстлигини қарши қўйди. Зилзила оқибатларини тугатиш учун курашга мамлакатимизнинг барча халқлари ягона оила бўлиб отландилар ва ўзларининг ленинча дўстлигини бутун дунё олдида намойиш қилдилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Тошкентда зилзила оқибатларини тугатиш ҳақида махсус қарор қабул қилдилар. Бу қарорга кўра, 1966 йили 791 минг квадрат метр, 1967 йили 1 миллион 368 минг, бутлур 762 минг, бу йил 939 минг, келгуси йили 1 миллион 139 минг квадрат метр уй-жой қурилиши планлаштирилди.

Бу режанинг нақадар улуғворлигини қуйидаги қиёсдан яққол кўриш мумкин. Табиий офат юз бергунга қадар шаҳарда ҳар йили 300 минг квадрат метр уй-жой қурилларди. Зилзилага қадар эса шаҳарда ҳаммаси бўлиб, 6 миллион 935 минг квадрат метр уй-жой мавжуд эди. Шу беш йилликнинг ўзида кооператив ва шахсий қурилишларни кўшиб ҳисоблаганда зилзилагача мавжуд бўлган миқдорда уй-жой бунёд этилади, яъни мутлақо янги шаҳар бунёд этилади. Бу вазифани қардош халқлар ёрдами ва иштирокисиз ҳал этишни тасаввур қилиш қийин, албатта.

Табиат стихиясига қарши кураш бошланганидан бери қардошларимиз тошкентликларга 1 миллион 100 минг квадрат метр уй-жой, 50 минг ўринли 40 та мактаб, 30 минг ўринли 60 та болалар боғчаси ва яслилар, кўплаб маданий-маиший объектлар қуриб беришди.

Тошкент бутун дунёга нон шаҳри, тинчлик шаҳри, дўстлик шаҳри номлари билан машҳур бўлиб кетди. Куч манбаимиз, қудратимиз, бойлигимиз — дўстлигимизда эканлигини табиий офат туфайли юз берган оғир синов кунларида яна бир бор ҳис қилдик. Жамиятимизнинг асосий—ахлоқий принципи: «Киши—кишига дўст, ўртоқ, бирадар» шиори ўша кунларда қудратли куч бўлиб янгради. Йиллар ўтади. Янги Тошкент СССР халқлари бузилмас дўстлигининг улуғвор ҳайкали бўлиб, XX асрнинг олтмишинчи йилларидаги қаҳрамонлик ишларимиз ҳақида авлодларга ҳикоя қилиб, халқларимиз бирлигининг қудратини эслатиб туради.

Халқларнинг ленинча дўстлиги— бебаҳо бойлигимиз. Биз доҳиймиз В. И. Ленининг «...миллатидан қатъи назар Россияда яшовчи ҳамма... синфлар ўртасида тобора мустаҳкам алоқа ва қардошларча бирдамлик ўрнатилишини истаймиз» деган сўзлари бугунги кунда тўла-тўкис рўёбга чиқ-қанлигини мамнуният билан қайд қиламиз. Улуғ Ватан урушининг оловли кунларида халқимизнинг ўзбек жангчиларига ёзган мактубида «Халқлар бирлиги ўтмишда бизга ғалаба берди; халқлар дўстлиги бугунги мустаҳкамлигимизнинг пойдеворидир. Халқлар дўстлиги эртаги кунинг муқаррар ғалабага янглишмас калитидир», деб қатъий ишонч билдирилган эди. Ҳар биримиз бугунги кунда ушбу ҳикматли сўзларни яна такрорлашга, такрорлашгина эмас, амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлашга шаймиз. Бу дўстликни кўз қорачиғидай асраш, унга ҳамиша содиқ бўлиш идеология ишимизнинг, коммунизм учун кураш ишимизнинг энг актуал соҳасидир.

В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги олдидан ўтказилаётган тадбирлар меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашда жуда муҳим роль ўйнайди. Коммунистик партиямизнинг ленинча миллий сиёсатини амалга оширишда йўлда олиб борган буюк ишларининг кўп қиррали жиҳатларини кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириш, оммани совет ватанпараварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялашда актив иштирок этиш ҳар бир коммунистнинг, идеология фронти ҳар бир жангчисининг муқаддас бурчидир.

Волга бўйидаги Тольятти шаҳрида янги автомобиль заводи қурилмоқда. Ҳозир конструктор ва синовчилар ана шу корхонада ишлаб чиқариладиган машинани синовдан ўтказмоқдалар. Бу машина «ВАЗ-210Г» маркали автомобилдир. Машина неча-кундуз бетўхтов юриб турибди. Суратда: (чапдан ўнгга) инженер-конструктор Е. Конопляник ва машина ҳайдовчи А. Глазков ва В. Фатеев ўртоқлар моторни нўздан кечирмоқда. Юқоридаги суратда эса машина йўлда.

Ю. Абрамочкин фотоси. (АПН).

ЎЗБЕК КИНОСИНИНГ ЮТУҚ ВА РЕЖАЛАРИ

Ўзбекистон кинематографчилар союзи правлениесининг Пленуми Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олиш соҳасида ўзбек-совет кинематографиясининг 1968-йилги иш якунлари ва бундан буёнги режаларига бағишланди.

1968 йил якунлари шуни кўрсатадики, республика кинематографчилари ўз асарларининг ғоявий-бадиий савиясини ошириш, янги ижодий кучларни жалб этиш, жанрларни кенгайтириш ва ранг-баранг мавзуда фильмлар яратиш йўлида олга янги қадам қўйдилар.

Республика кинематографчилари шу кеча-кундузда янги фильмлар устида ишламоқдаларки, бу ленталар Ленининнинг янги саҳифалари бўлиб қолади. Ёш асарлар режиссёр К. Ерматовнинг Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш тўғрисидаги трилогиясининг охирги қисми — «Қора консулнинг ҳалокати» асаридир. Режиссёр И. Эшмуҳамедовнинг «Инсон фарзанди» асари замондошларимизнинг маънавий гўзаллигини кўрсатади. З. Собитовнинг «Уч бор ўлдирилган», Ҳ. Файзиевнинг «Қуёш билан қайт», Р. Ботировнинг «Олмалар» деган фильмлари Улуғ Ватан уруши мавзусига бағишланган. А. Ҳамроевнинг «Интернационалистлар» асари ўзбек ва рус халқларининг дўстлигига бағишланган.

Ҳужжатли кинематографчиларнинг режалари ҳам катта. Улар Ленинномага янги қизиқарли сатрлар қўшадилар.

Пленумда Ўзбекистон кинематографчилар союзи правлениесининг раиси С. Муҳамедов доклад қилди. (ЎзТАГ).

ЯНГИЕРЛИКЛАР БУЮРТМАСИ БИЛАН

«Ташсельмаш» заводининг бош йиғув конвейеридан «17 Х-1, 8 А» маркали мингинчи пахта териш машинаси ишлаб чиқарилди. Бу машина пахта неғ қаторлаб экилган майдонлардаги ҳосилни териб олишга мўлжалланган. Икки қаторли бу агрегат бир кунда 7 тоннагача пахта тера олади.

«Ташсельмаш» заводининг фидокор ишчилари мингинчи машинани бир ярим йилда ишлаб чиқаришга эришдилар. Бундай машиналар Мирзачўл пахтакорларига ҳаммаси бўлиб 1600 та юборилади.

ЗАНГОРИ ОЛОВ ЦЕХИ

Нукусдаги 1-компрессор станциясида янги цех қурилиши бошланиб кетди. Бу ерда яна 6 трубоагрегат ўрнатиш белгиланди. Бу агрегатлар ишга тушгач, Совет Иттифоқининг марказий районларига газ жўнатиш ҳажми ҳозиргига қараганда яна мисли баравар ортади.



Сирдарё области. Янгиер темир-бетон буюмлари комбинатида оғир босимга бардошли қувурлар тайёрланмоқда. Суратда: корхонанинг тайёр маҳсулоти.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИ КОРХОНА

Жиззахда. Мирзачўлнинг жанубида пластмасса трубалари заводи қурила бошлади. Бу ерда ана шу гигант корхонанинг дастлабки биринчи навбати ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Завод тўрт ярим гектар майдонни эгаллаб, унда 28 та автомат поток линиялари ўрнатилади. Корхона йилига 23 минг тоннадан полиэтилен ва полихлорвинил ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

ФАН ОЛАМИДА

ЗИЛЗИЛАЛАР КАТАЛОГИ

Ер физикаси институти сейсмик экспедициясининг ходимлари Камчатида ва Курил ороллари да бўлиб ўтган зилзилаларнинг каталогини тузиб чиқдилар. 1698 йилдан 1961 йилгача ернинг 925 марта сезилари ва вайроналик келтирган тебранишлари каталог ичига олинган. (Бу ер қимирлашлар асбобсиз пайқалган).

Каталогда муфассал микросейсмик маълумотлар, табиатнинг даҳшатли ҳодисалари оқибатлари, тафсилотларга қараб аниқлаш мумкин бўлган баъзи зилзилалар ўчоқларининг координаталари ва силкиниш кучлари бор.

Тинч океан сейсмик экспедициясининг мудири, физика-математика фанлари кандидати С. А. Федотов раҳбарлик қилаётган тадқиқотлар қурилиш районларидаги заминнинг сейсмиклик даражасига баҳо беришда ҳамда табиатнинг мана шу ҳодисаларини прогноз қилиш масалаларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Каталогни тузишда рус сайёҳларининг тарихий ёзувларидан, архив ҳужжатлари, газета хабарларидан, гидрометеорология хизмати ва сейсмик бюллетеналарнинг маълумотларидан фойдаланилди. Рус сайёҳлари Тинч океаннинг шимолий қисмидаги сейсмик кузатувларни америкаликлар ва япон ҳамкасбларига қараганда анча илгари бошлаганликлари маълум бўлди.

Каталогни очиб берувчи биринчи зилзила 1698 йилга тўғри келиб, Осиёдаги катта вулқонлардан бири — Камчаткадаги Ключев вулқонининг (4850 метр) отилиб чиқишини кўрсатади. Сибирлик мазан, сайёҳ Камчаткани очган Владимир Атласовнинг баёнот китобида мана шу ҳодиса тўғрисида биринчи марта эслатиб ўтилган.

Камчатка зилзилаларини асбоблар воситасида кузатиш ўтган асрнинг охирларидан бошланди. Ҳозир бу ерда кўпдан-кўп сейсмик станциялар ишлаб турибди.

(ТАСС мухбири).

Петропавловск—Камчатский

ГИДРО ИНШООТЛАРДАГИ МИКРОБЛАР

Сув омборларининг тубига сув сингишидан пухта сақловчи нарса бактериялар бўлиб чиқди. Ғовак тупроқларни зичлаштириш биохимик методини ишлаб чиққан Грузин мутахассислари амалда шунга ишонч ҳосил қилдилар. Шимолий Кавказнинг ёғир қанча қурғоқчилик районларида сув жуда кўп сингиб кетадиган тупроқли жойларда балиқ урчитиш, сув паррандалари боқиш, далаларни суғориш учун ана шу усул билан кўпга кетадиган ҳовузлар бунёд этишга муваффақ бўлишди.

Тупроқ ғовакларини бактериялар ёрдамида ихота қилиш методи тупроқ структурасини ўзгартирувчи анаэроб микроорганизмларнинг ҳаёти ва ривожланиши учун кислород ва бошқа бирон алоҳида озуқа муҳити талаб этмаслигига асосланган.

Мелиораторлар сув қуйилишидан олдин сув омборлари ва гидротехника системаларининг бошқа иншоотлари бетига чиримаган похол ёки пичан, маҳажўхори поясі ва клетчаткага бой бошқа чиқиндилар юпқа қатламини тўшайдилар. Сўнгра бу қатлам устига тупроқ ётқизилиб сув қуйилади. Бактерияларнинг жадал ривожланиши натижасида клетчаткаларнинг тез биологик парчаланиши ва тупроқ таркибининг биохимик ўзгариши рўй бериб, уни зичлаштириб юборади.

(ТАСС мухбири).

ТБИЛИСИ.

ОКЕАН ВА КИБЕРНЕТИКА

Ленинградлик олимлар шу ерда ишлаб чиқилган тенгламалар системаси ёрдамида жаҳон океанининг математик моделини тузишга киришдилар. Бу система океанинг асосий характеристикалари бўлмиш горизонтал ва вертикал оқимларини, сувнинг температураси ва тузлилигини математика тили билан баён қилиб беради.

Келгусида ҳосил қилинадиган океан «портрети»нинг эскизи соддалаштирилган математик моделда чиқазилган ечимлар мазкур метод тўғри эканлигини тасдиқлаб берди. «Бэсм-3» электрон ҳисоблаш машинаси Атлантик океан билан Тинч океанининг ғарбий соҳиллари яқинидаги оқимларнинг кузатувларидан маълум бўлган кучайишини ҳисобда акс эттирди, шамол кучи ва йўналишига қараб оқимнинг қачон кучайишини аниқ ҳисоблаб берди.

СССР фанлар академияси Марказий иқтисод математика институти Ленинград бўлими билан океанология институтининг лабораториясида бунёд этилаётган тўлиқ математик модел океанинг чиниакам «портрети» бўлиб қолади.

Олимларнинг фикрига кўра, мазкур модел океанга тадқиқот флотлари юбормасдан туриб, сув ва атмосферадаги конкрет вазиятни назарда тутган ҳолда оқим тезлиги ўзгаришларини аниқлашга имконият беради.

(ТАСС мухбири).

ЛЕНИНГРАД.

Мутахассислар маслаҳати

ҚУРТ БОҚИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Пиллачиликда қизғин дамлар яқинлашиб келмоқда. Ҳа демай ипак қурти уруғи жонлантирилиб, боқила бошланади.

Шу кунларда хўжаликларда янги тутзорлар барпо этиш учун тут кўчатлари ўтқазиш авж олдириб юборилиши керак. Айни вақтда мавжуд тутзорларни парвариш қилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилиши зарур. Чунончи, кузда шудгорланмаган тутзорларни чуқур ҳайдаш, бир йўла ўтитлаш лозим.

Ҳозирги даврда пиллачилик агрономлари ва бригадирларининг бирдан-бир вазифаси тайёргарлик ишларига шахсан бошчилик қилишдан иборатдир. Ҳар бир хўжаликда қурт боқувчи звенолар ва алоҳида хонадонларда қурт боқувчиларнинг рўйхати тузилиши ва унда боқиладиган қурт миқдори аниқ кўрсатилган бўлиши даркор. Шу билан бирга ҳозир ҳар бир звенога қуртхоналарни биркитиш, зарур миқдорда сўкчакбоп ёғоч материаллар, ёқилғи ва асбоб-ускуналарни тахт қилиб қўйиш лозим.

Даставвал, инкубаторияларни ремонт қилиш, печка ўрнатиш, оқлаш, дезинфекция қилиш, хўжаликда махсус инкубатория бўлмаса, бу мақсад учун махсус хоналар танлаш сира кечиктириб бўлмайдиган тадбирлардандир.

Инкубатория учун мўлжалланган бинода очирилган қуртларни звеноларга тарқатилгунча боқиб туриш учун алоҳида хоналар керак. Чунки уруғдан чиққан қуртлар боқиб турилмаса, уларнинг ҳаётчанлиги ва ҳосилдорлиги пасайиб кетиши мумкин. Бунга ҳар йили алоҳида эътибор берилмоқда. Андижон области пиллачилари республикада анча юқори ҳосил олмоқдалар.

Очирилган қуртларнинг соғлом бўлишини таъминлаш учун инкубатория атрофидаги майдонни тозалаш ва йўлларни тартибга солиш муҳим. Шундан сўнг очирилган қуртлар тезда тарқатилади ва ёш қуртларни марказлаштирилган қуртхоналарда боқишга киришилади.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, қуртлар айрим хонадонларда тарқоқ ҳолда эмас, бир жойда умумлаштириб боқилганида бир текис ривожланади, қурт боқиш муддати анча қисқаради. Бу давр эса чигит экиш вақтига тўғри келади. Шу сабабли бу усулни кенг қўлланиш анча ишчи кучини ва техникани тежашга имкон беради.

Бу йил кўпгина хўжаликларда ипак қуртининг оқ пиллали янги навлари боқилади. Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институтида чиқарилган «Совет 5 Х», «Саниш 30» ва «Саниш 21 Х», «Саниш 17» дурагайлари шулар жумласидандир. Айниқса, радиацион селекция усулида чиқарилган «Совет 5» ва «Саниш 30» дурагайлари ҳосилдорлиги, серипаклилиги, толасининг нафислиги билан ажралиб туради.

Шуни унутмаслик керакки, бу дурагайлар қурт боқиш даврида озуқа, ҳарорат ва намлик режимининг мўътадил бўлишини талаб қилади. Демак, юқорида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш ипак қуртидан мўл ҳосил олишни таъминлайди. Республикамиз пиллачилари эса бу йил мамлакатга 17500 тонна «кумуш тола» армуғон этиш имкониятига эга бўладилар.

У. НАСРУЛЛАЕВ,
Ш. КАРИМОВА.
Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходимлари.

ОДАМИЙЛИК ВА БУРЧ

ҚЎШНИЛАР

Каримжон ака сартарош. Саъдулла эса қурилиш бошқармасида дурадгор. Улар ён қўшни Ўртада девор бор демасангиз, бир оила аъзоларидек қадрдон бўлиб қолишган. Каримжон ака ўғли Салимжонни уйлантириш тараддудида эди. Ҳамма нарса тайёр. Тўй куни ҳам белгиланди. Кутилмаганда Саъдулла бетобланиб, касалхонага кетди. У қўричан касаллигига чалинган, операция қилиниши керак эди.

—Энди тўйни нечиктирмасак бўлмайди. Қўшнимиз операция столида ётса-ю, биз бу ерда тўй-томоша бошласак, одамгарчилик-дан эмас. Саъдулла тузалиб келгач, тўй ҳам, хурсандчилик ҳам татийди.

Каримжон ананинг бу таклифи ҳаммага маъқул тушди. Қўшнилар бемордан қол сўрашгани бориб турдилар.

—Мени деб тўйни нечиктирмасаларинг яхши эди. Ҳурматингиз учун раҳмат,—деди Саъдулла.

Мана, Саъдулла бутунлай соғайиб кетди. Тўй ҳам ўтди. Маросимда югуриб елиб хизмат қилган йигитларнинг бири Саъдулла эди. Каримжон акадек қўшнинг бўлса, бунга нима етибди.

БИР ЧЕЛАК СУВ

Абдураҳмон ака невара кўрди, муборакбод қилгани бордик. Дастурхон атрофида ўтирганимизда, бир аёл тугунча кўтариб кирди. Чақалоқнда аталган нийм-кечак комплекти экан.

—Танишинг: қўшнимиз Вера Петровна. Медицина ҳамшираси бўлиб ишлайди,—деди мезбон.

Вера Петровна рухсат олиб чиқиб кетгач, Абдураҳмон ака бизга қўшнисининг фазилатлари ҳақида мароқланиб гапирди. Сўнгра давлат деди:

—Сезгандирсиз, бир оёғи майиб. Иккинчи қаватга чиқишда, қийналади. Пастки қаватдаги хонани унга бўшатиб бериб, биз ўрнига ўтиб олдик. Қизимиз Дилором водопровод колонкасидан Вера опасига ҳар куни бир челак сув келтириб беради. Елғиз ўзи бўлгани учун унга қарашиб турадиларда.

Бир челак сув. Тачи соғ одамга довлидан ичларига уни элтиб бериш қийин эмас. Аммо, шуни ҳисматдан кўпи кўнгли нақадар мамнун бўлади. Вера Петровнанинг чеҳрасида бу мамнунлик яққол сезилиб турарди.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭРТАГИ САБЗАВОТ ЭКИЛЯПТИ

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бухоро районидаги Фрунзе номли колхозининг Лутфулла Насруллаев бошлиқ бригадасида 10 гектар ерга бодринг, шунча майдонга пиёз уруғи экиб бўлинди. Бригадада 3 гектардан ортиқ ерга ўтказилган карам кўчати тенис ривожланяпти. Ҳозир помидор кўчатларини ўтқазишга киришилди.

Колхознинг Сапд Муродов, Ҳоди Бадриддинов ўтқоқлар бошлиқ нихтисослаштирилган бригадаларида ҳам эртаги сабзавот экинлари экиш қизғинлик юборилди.

Райондаги «Маданият», Энгельс номли, «Ленин йўли», «Янги турмуш» колхозларининг сабзавотчилари ҳам эртаги сабзавот экишга киришдилар.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ ГАЗЕТАЛАРИ «ПРАВДА» ҲАҚИДА

НАМАНГАН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). «Ўдарник» босмахонаси наманганлик газетхонларга муносиб совға ҳаёт этди. «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» область газеталари шу йил 1 апреллдан бошлаб «Правда» газеталари формасида чиқа бошлади.

Ҳар икки газета саҳифаларида область ҳаётига оид қизиқарли, ранг-баранг мақолалар, фотосуратлар бор.

ЧОРВАЧИЛИК НЕГА ОҚСАЯПТИ?

Навоий — Бухоро областида гўшт, сут, жун, қоракўл тери етиштирувчи йирик районлардан бири ҳисобланади. Райондаги 12 колхоз, 1 совхозда кўп миқдорда корамол, қўй-эчки, чўчқа ва бошқа моллар боқилаётир. Хўжалик бошлиқлари фақат қиш ойларидагина чорвачилик тўғрисида бош қотирадилар. Чунки, қишда молларга ем-хашак, турли озуқалар етишмайди. Ориқ қўйлар нобуд бўла бошлайди. Шундан кейин қийин-қистоблар бошланади. У ер ,бу ерга шошилинч телеграммалар юборилади. Бир жойдан иккинчи жойга ем-хашак ёки озуқа учун қўшимча ишчи кучлари, транспорт юборишга, илтимос ва талабномалар олиш бошланади.

Навоий районидаги ҳамма колхоз ва совхозларда бу йил худди шундай бўлди. Чорвачиликни «шунчаки мавсумий иш», деб юрган колхоз раҳбарлари қишдан чиққач бармоқ тишлаб қолишди. Анчагина қўй нобуд бўлди. Сигирлардан сут сғиб олиш камайиб кетди. Чорвачилик ночор аҳволга тушиб қолди. Район колхозларида ҳар йили эрта баҳорда чорва моллари мустаҳкам озуқа база яратиш плани тузиб чиқилади. Унда беда, маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинларга ер ажратиш, силосбоп кўкпояни йиғиштириб олиш муддати белгиланади, молхоналар қуриш тадбирлари ўрилади. Лекин, кунлар исиб, совуқ майса унгач чорва моллар яйловга қайдалади-да мустаҳкам озуқе базеси яратиш, иссик қўралар, молхоналар қуриш ҳақидаги ваъдалар унутиб юборилади.

«Москва» колхозининг раҳбарлари (раиси Н. Каримов) ана шундай тоифадаги кишилардир. Колхозда қарийб беш йилдан бўён планлаштирилган беда тўлиқ экилмайди. Аксинча бедапоя ҳамда маккажўхори майдони камайиб кетяпти. Хўжалика 1965 йили бедапоялар 213 гектар эди. Ҳозир 160 гектерга тушиб қолган. Колхозда озуқабоп экинлар экиш пахтачилик бригадаларига тақсимлаб берилади. Натижада у ер, бу ерда экилган маккажўхори ва бошқа турдаги озуқабоп экинлар вақтида йиғиштириб олинмайди. Нобуд бўлиб кетади. Силос бостириш плани бажарилмайди. Қиш қаттиқ келган бу йилги шароитда колхоз чорваси айниқса аянчли аҳволга тушиб қолди.

Ем-хашак етишмаслиги, чорва биноларининг нобоблиги туфайли колхоз яйловларида салкам 2 минг қўй нобуд бўлган, 500 дан ортиқ қорамол сўйиб юборилган. Чорва молларнинг кўпчилиги ориқлаб кетган.

—Ҳозир вақт тиғиз келиб шошилиб қолдик, — деди колхоз раиси Н. Каримов, — камчиликларни тугатишга қаратилган чораларни кўрамиз.

Тадбиркор, ишнинг кўзини билган чорвадор учун бу ўринли баҳона эмас, албатта. Яйловларда кунларни тунларга улаб меҳнат қилаётган чўпонларга қулай шароит яратиб берилмаган. Чорвадорлар учун сув, туз, совун, чой каби энг зарур истеъмол моллари ўз вактида етказиб берилмаётир. Колхознинг сут-товар фермасида ҳам аҳвол ёмон. Фермада согувчилар ишини ҳисоб-китоб қилиш изсан чиққан. Ҳар бир сигирдан согиб олинаётган сут миқдори камайиб кетмоқда. Колхозда ҳар бир центнер сут учун 14-16 сўм сарфланган ҳолда, уни давлатга 7 сўм 50 тийиндан сотилмоқда. Оқибатда хўжалик чорвадорлари фақат сут етиштиришдан йилига 3,5-4 минг сўм зарар кўряпти. Умуман, чорвачиликда ўтган хўжалик йилида «Москва» колхози 13 минг 544 сўм зарар кўрди.

«Қизил Октябрь» колхозига бундан 4-5 йил муқаддам экономист И. Эгамов раис қилиб сайланганида, хўжалик аъзолари «Колхозимиз экономикаси кўтариладиган бўлди» деб умид қилишганди. Бироқ, экономист Исроил Эгамов колхоз экономикасига путур етказди. Хўжаликда моллар тўёғи камайиб, маҳсулдорлиги пасайиб кетди. Чорвачилик пахтадан келган фойдани еб кетмоқда. Шундай қилиб, бултур хўжалик фақат чорвачиликдан 27600 сўмдан ортиқ зиён кўрди.

М. Собиров раислик қилаётган Охунбобоев номли колхозда ҳам чорвачилик оқсаб қолди. Бу ерда чорвачиликдан бир неча йиллдан буён 16-17 минг сўмлаб зарар кўриб келинарди. Ўтган хўжалик йилида бу соҳада 25 минг 500 сўмдан ортиқ зарар кўрилди. Бундай хўжаликлар районда кўплаб топилади. «Қизил Ўзбекистон» колхози (раиси И. Нуров) чорвачиликдан 15 минг 521 сўм, «Ленинград» колхози (раиси Х. Рўзиев) 8501 сўм зарар кўрди.

Навоий области бўйича чорвачиликдан кўрилган зарар 163 минг 700 сўмдан ортиқдир. Шу ўринда ҳакли бир савол туғилади: Бу ташвишли аҳволнинг поёни борми? Район партия комитетининг секретари З. Қобулов, район ижроия комитетининг раиси А. Нарзиев, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи К. Пўлатов ўртоқлар хўжаликни бошқаришда бир оқламаликка берилиб, чорвачиликка панжа орасидан қараётирлар. Навоий район хўжаликларида чорвачиликка муносабатни ўзгартириш, бу соҳани фойда берадиган тармоққа айлантириш ва чорва маҳсулотларини кўпайтириш керак. Бунинг учун районда катта имкониятлар бор.

Т. НАЗИРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Маорифимиз жонкуярлари

ЙИЛЛАР ҲИКОЯСИ

Куну-тун тиним билмай айланиб турадиган, сойдан «ховуч-ховуч» сув олиб, чанқоқ ерга об-ҳаёт узатадиган чархпалакни кўз олдингизга келтиринг... У турган жойидан жилмайди, диққатни ҳам тортмайди, лекин кетма-кетлараб сув чиқариб, қанча-қанча ерларни бўстонга айлантиради, қақроқ тупроққа ҳаёт бағишлайди...

Баъзи муаллимларни ўйлаганингда беихтиер шу оддийгина чархпалакнинг ҳаётбахш, яратувчилик меҳнати кўз олдингга келади. Уларнинг ҳар кунги одатий ишлари, ташвишлари бир қарашда оддийгина туюлади кишига, лекин шу «оддийгина» ишларсия ҳаётни тасаввур қилиш қийин аслида.

Яқинда, умрининг салкам қирқ йилини бола тарбиясига, халқ маорифи ишига сарфлаган бир жонкуяр, куйди пишди одам билан учрашиб қолдик. Уни газетхонларга таништиришдан аввал, педагогнинг шахсий намунаси хусусида айтган бир фикрини келтириб ўтмоқчимиз.

— Илгари «домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма» деган мақол бўларди, — деди у ўйчан қиёфада. — Чунки таълим тармоқдан бутунлай ажралиб қолган эди... Бола — эндигина ниш уриб келаётган ниҳол, уни тўғри ўстириш ҳам, билиб-билмай қийшиқ ўстириб қўйиш ҳам муаллимнинг, тарбиячининг қўлида. Совет мактабининг буюк ютуқларидан бири ҳам, менимча шуки, у, юқорида айтиб ўтилган мақолни тар-томири билан ҳаётимиздан супуриб ташлади. Педагогикамизнинг мақсади ва амалда қилаётган иши — турмуш талаблари ва принципларига мутлако мос бўлиб қолди. Лекин ўқитувчининг зиммасидаги бурч, масъулият ҳамон ўша-ўша, сира бўлмасмайди... Яқинда баъзан учраб қоладиган, афсусланарли бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Автобусда шаҳарга тушиб кетяпман у, олдиндаги ўринидиқда таниш бир ўқитувчини кўриб қолдим. У шу йил мактабга янги ишга келган эди. Енида галстук тақиб олган ўқувчиси ҳам кетяпти. Машина улар тушадиган остановкага етай деганда автобусга контролёр чиқиб қолди. Бирдан ўқитувчининг авзойи ўзгариб кетди. Бола ўринидан туриб, билетини контролёрга кўрсатди-да, автобусдан тушди, пастда туриб муаллимни кута бошлади. Ўқитувчи бўлса атайлаб орқароққа қолаверди. У негадир билет олмаган эди. Ўқувчи буни пайқади. Ишонасизми, боланинг кўзлари қандайдир бошқача чақнаб кетди ўшанда! Юзида эса ачинишми, афсусми, пинҳоний нафратми, ишқилиб, аллақандай нотабиий ифода акс этарди... Кейинги воқеани айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Энди ўша ўқитувчи ўша ўқувчисига ўн йиллаб халоллик ҳақида таълим берсин, баъзибир, саҳ рик чақалик ҳам фойда чиқмайди. Чунки ўқитувчи мисқолаб йига бошлаган обрўйини бир аранмас хулқи билан йўқ қа чиқарди.

Ўқитувчи — ўқувчи учун бамисоли тиниқ кўзгу! Унда салгина гард ҳам ёки дарз ҳам бўлмаслиги керак. Хайриятки, бундай «тарбиячилар» бизда бармоқ билан санарли, холос...

* * *

Мана шундай қатъий эътиқод ва ўз касбига ихлос билан яшайдиган педагог у! Ҳозирги кунда у Тошкент область, Оржоникидзе район халқ маорифи бўлимини бошқариб келяпти. Сулаймон Ҳасановни каттадан-кичик ҳамма ҳурмат қилади. Яқинда бўлиб ўтган сайловда якдиллик билан район Советига депутат қилиб сайланди. Маориф соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаль ҳамда Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган бу кишининг умр йўлига бир назар ташлаб кўрайлик.

1929 йил. Узоқ Авлиёотадан келган ёш йигит Сулаймон Тошкентдаги Ленин номли педагогика билим юртига ўқишга киради. Техникумни муваффақият билан тугатгач, республиканинг узоқ ерларидан бирига — Сурхондарё областининг Шўрчи районига йўлланма олади. Ўша пайтдаги қийинчиликларни, етишмовчиликларни ҳозир тасаввур қилиш қийин! Педагог — ҳам ташкилотчи, ҳам тарбиячи, ҳам жангчи эди у пайтларда. Кишилар илмга чанқоқ эдилар, ўқисам, одам бўлсам, дейишарди. Сулаймон Ҳасанов ана шундай вақтда кишиларнинг, болаларнинг қўлига қалам тутқазган, қурби етганча маърифат йўлига бошлаган муаллимлардан биридир. Бунинг устига ўқиш қуроллари етишмас, ора-сира болаларнинг ўқишга, мактабга муҳаббатини сўндирадиган ишлар ҳам бўлиб турарди. Ҳамма ердаги каби Шўрчи районидаги бадавлат кишилар ҳам янги тузум кўра бошлаган ҳар бир чорага тиштирноқлари билан қарши курашиб олиб бордилар, турли-туман бўҳтон ва ғиғоолар тарқатдилар. Ана шундай нозик пайтда комсомол-ўқитувчи Сулаймон Ҳасанов кечки мактабда ҳам дарс бериб, саводсиз кишилар қалбига ёғду йўлини очиб берди.

Йиллар ўтди. Ҳаёт кун сайин олга қараб борарди. Сулаймон Ҳасанов ҳам бу пайтда ўзининг билим даражаси анча камбағаллашиб қолаётганини сезди. У яна Тошкентга келиб, ўқитувчилар институтига ўқишга кирди. Ўрта Осиё Давлат университетида таълим олаётган вақтида эса даҳшатли уруш бошланди. Сулаймон Ҳасанов ёш коммунист кадр сифатида Қорасув район партия комитетига ишга юборилди. У уруш йилларида омма орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди, кишиларни меҳнатга ва ёвуз душман устидан ғалаба қозонишга даъват этишда партиянинг оддий солдати сифатида жуда кўп ишларни амалга оширди. Кейинчалик у Қўйлиқдаги 10. мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Сўнг уни шу мактабга директор қилиб кўтаришди. Сулаймон Ҳасанов неча юзлаб талабаларига қатъиятлик, мақсад йўлида тап тортмай курашиш, меҳнатсеварлик ва чидамли бўлишни ўргатди.

— Ўқитувчининг қадрини киши улғайганда билар экан,— дейди иқтисод фанлари кандидати Д. Зокирхўжаев. — Биз ҳам бир вақтлари Сулаймон аканинг қўлида ўқиганмиз. У маҳоратли педагог бўлиши билан бирга, энг муҳими — ғамхўр тарбиячи ҳам эди. Ўқитувчи бўлиш оддий нарса-ю, лекин бола юрагига кириб олиш қийин. Дарсдан кейин биз билан худди ўз тенгқуридек муомала қиларди. Менинг дилимга олим бўлиш истагини ҳам илк бор Сулаймон ака солган.

Бундай миннатдорчилик сўзларини медицина фанлари кандидати Ш. Маҳмудова, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати С. Салимов, композитор Энмарк Солиҳов ва бошқа ўнлаб ҳозирги кунинг ажойиб зиёлиларидан ҳам эшитиш мумкин. Улар ҳам бир вақтлар Сулаймон акадан ҳаёт дарсини олишган.

Ҳозир Сулаймон Ҳасанов катта районнинг кўп сонли маорифчиларига отахонлик қилиб келмоқда. Унинг доимий шиори: болаларга пухта билим бериш, уларни замонамиз талаблари даражасида воягa етказишдан иборатдир. Бундай олижаноб ният — кишини сўзсиз улуғлайди, уни яна ҳам улкан ишларга бошлайди...

* * *

Куну-тун тиним билмай айланиб турадиган оддий чархпалакни кўз олдингизга келтиринг. Ҳаётда номи кўпчиликка унчалик танилмаган, лекин ўз умри ва бор куч-қувватини умум ишига бағишлаб келаётган кишилар оз дейсизми! Уларнинг меҳнати сиртдан қараганда худди чархпалакнинг ишига ўхшаб, фақат қатра-қатра сув чиқаришдагина иборатга ўхшайди. Лекин шу қатралардан ҳаёт униб чиқади! Сулаймон Ҳасанов ҳам ана шундай тиниб тинчимас, заҳматкаш қалб эгаларидандир.

О. УСМОНОВ.

РАССОМ БЛОКНОТИДАН

Рассом Н. Корнилов республикамиз меҳнаткашларининг суратларини чизди. [Юқоридан пастга] Эргаш Ҳикматов Янгиқазғон нефть-газ экспедициясининг участка бошлиғидир. У раҳбарлик қилаётган коллектив умумли ишлаётмоқда. Худоёр Оллоёров эса Беруний районидаги «Правда» колхози территориясида жойлашган Крупская номли мактабда ўқитувчилик қилмоқда. Ўртоқ Т. Фазлиддинов Наманган областидаги Чуст тайёрлаш конторасида товаршунос бўлиб ишлайди.

Депутат ва ҳаёт

ҚИШЛОҚ ДЕПУТАТЛАРИ

Олдиндан келишиб қўйганимиздек. Исоқжон ака билан қишлоқ айланган чиқдик. Намангансойдан ўтиб оқим томон юриб боряпмиз. Исоқжон ака маҳаллий кадр, қишлоқ Совети раисининг муовини. У бу ерларни миридан-сиригача билади. Янгиқўрғон районидаги Ленинобод қишлоқ Советида ишлаётганига ўн йилдан ошди.

Ҳамроҳим йўл-йўлакай қиқоя қилиб борарди:

— Қишлоқ депутатларининг ташвиши кўп бўлади. Ҳозир одамлар ҳам тушуниб қолишган. Қишлоқ ободончилиги, мактаб, маориф сингари муҳим масалаларда салгина бўлсин чигаллик рўй бердими, дарҳол депутатларни маҳкам ушлашади. Шу масалани ҳал этиб беришни уларга наказ қилиб беришади, натижасини талаб қилишади. Масалан, сўнгги 2-3 йил ичида қишлоқларни водопроводлаштириш, кўприк қуриш, дала йўлларини асфальтлаш, медпунктлар очиш сингари маданий турмуш масалаларига оид 80 та наказ тушган эди. 78 таси бажарилибди. Қолган иккитаси қишлоқни бош план асосида қайта қуриш ишлари билан боғлиқ бўлгани учун ҳали ниҳоясига етмабди.

Исоқжон ака Турғунов турмуш фаровонлигини оширишга ва миллий анъаналаримизни кўпайтиришга астойдил бел боғлаган, сайловчиларнинг гапини икки қилмайдиган қишлоқ депутатларидан 4- мактаб директори Садриддин Сайфутдинов, колхозчилардан Робиялхон Жабборова, Рая Криева, колхоз раиси Жўрабой Охунов, унинг муовини Абдусалом Турдиев ўртоқларнинг номларини тилга олди. Сайловчилар уларга Улуғ Ватан урушида қалоқ бўлган ҳамқишлоқлар хотирасини абадийлаштириш, қишлоқ қабристонлари атрофини темир панжара билан ўраш ҳақида наказ беришган эди. Депутатлар ўзларига билдирилган ишончни оқлашди. Колхоз марказида келажак авлод бахт-саодати йўлида қурбон бўлган ҳамқишлоқлар хотираси учун ёдгорлик монументи ўрнатилди. Унинг атрофида 1,5 гектар майдон боғ ва гулзорга айлантирилди. Қизилқия, Қаландароксоқол қишлоқларидги қабристонлар темир панжаралар билан ўралиб, зиёратгоҳга айлантирилди.

Равут қишлоғи ўртасидан Наманган сой оқади. Икки томони баланд адирлик. сўлим жой. Колхоз правлениеси қишлоқни қайта қуриш, оромгоҳ посёлка бунёд этишга қарор қилибди. Бунинг учун етарли техника, маблағ ажратилган. Посёлка қурилишига раҳбарлик қилиш қишлоқ Совети зиммасида. Иш қизғин. Қишлоқ хонадонларига водопровод келтириляпти, муҳташам уй-жой бинолари қад кўтаряпти.

— Нега қишлоқнинг номини Равут дейишади-я? — деб қизиқиб қолдим.

— Ростдан ҳам бу ном биринчи эшитган қулоққа ғалати туюлади. — Исоқжон ака кулиб жавоб қилди. — Бу ҳақда қизиқ ривоят бор: Айтишларича олдинлари бу ерлар қамиш ва чангалзорлардан иборат бўлиб, номи ҳам йўқ экан. Қирғизистондан Наманганга келадиган савдо карвонлари ёки шаҳардан Почаотага чиқадиган йўловчилар бу ердан фақат кундузи ўтарканлар. Чунки чангалзорларга ошириниган қароқчилар галаси тунда йўловчиларни талаб турарканлар.

Кунлардан бирида қароқчилар савдо карвонига ҳужум қилиб бор-йўғини шилиб олибди. Карвонбоши эўрга қочиб қутилибди. У йўлда учраган ҳамкасбларига бу ердан ўтмасликни, ўтадиган бўлсалар ҳам «рав» ўтишни, яъни тез ўтиб кетишни маслаҳат берибди. Шундан кейин йўловчилар бирбирларига чангалзорга келганда «Рав ўтиб кетинглар» дейдиган бўлишибди. Шундай қилиб қишлоқнинг номи кейинчалик ҳам «Рав ўт»лигича сақланиб, йиллар ўтиши билан бу сўз «Равут» деб ўзгаришиб кетибди...

— Инсон қўли гул деб шуни айтадилар-да, — суқбатдошим ғурур билан гапирди. — Ўша чангалзор ва қароқчихона ўрнида бунёд этилган сўлим қишлоқда ҳозир 200 та хўжалик фаровон турмуш қурган. Бош план амалга ошгач, бу ерда яшовчи оилалар сони 700 га етади.

Қишлоқни айланамиз: мактаб, медпункт, чойхона, кутубхона, беш юз гектардан зиёд боғ. Хонадонларнинг ҳаммасида радио ва телевизор. Бу албатта замона шарофати, партия ва ҳукумат ғамхўрлигининг кўрсатмаси. Ҳалол меҳнат самарасидир. Ҳа, «Равут» деган ном сақланибди-ю, ўтмишдаги кунлар риволтга айланиб, янги маъно касб этибди. Равутнинг гуллаган қишлоққа айланишида Ленинобод қишлоқ Совети депутатларининг қанча-қанча пешана тери бор.

А. МАДУМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

НЕГА АЛДАЙСИЗ?

Ҳурматли редакция! Совхозимиз галлачилик чорвачилик-да Зомин районидагина эмас, балки, Сирдарё областида салмоқли ўрин тутади. Галлачиликда агротехника, чорвачиликда зоотехника тадбирларини тўла амалга ошириш туфайли галла ҳосилдорлигини оширяпмиз, давлатга дон сотиш планини йилма-йил ошириб бажаряпмиз. Гўшт, сут ва бошқа хил чорва маҳсулотлари тайёрлаш топшириқлари ҳам муваффақиятли адо этиляпти. Бу улкан ишга 5-ферма коллективи айниқса катта улуш қўшяпти. Ленин ферма ишчиларининг маданий-маиш ий аҳволини яхшилаш соҳасида етарли ғамхўрлик қилинмаяпти. Хонадонларимиз шу вақтга қадар электрлаштирилмагани туфайли радио тинглаш, телевизор ва кино кўришдан маҳрум бўлиб қолямиз. Шу камчиликни тузатишда ёрдам беришингизни сўраймиз.

2.«Зомин» совхози ишчиларидан олинган хатда шундай дейилган эди. Редакциянинг илтимоси билан текшириш ўтказган Зомин район ижроия комитети қуйидагиларни маълум қилди:

Чорвадорларнинг талаби мутлақо тўғри. 5-фермага «ДС-40» маркали электр двигатель ўрнатилган эди. Хонадонлар кўплиги, янги жамоат бинолари қурилгачи туфайли двигатель талабни қондира олмай қолди. Район ижроия комитети ферма қишлоқларини юқори вольтли электр қуввати билан таъминлашни лозим топди. Ҳозир лойиҳа-сметалар тайёрланяпти. Бу хужжатлар шу йил II кварталда тайёр бўлади. Шундан кейин ферма қишлоқларини ёппасига электрлаштириш бошланади.

ТАҒИН ЧИРОҚ ҲАНГОМАСИ

Меҳнаткашларнинг газетада босилмаган шу сарлавҳали хати юзасидан текшириш ўтказган Янгиқўрғон район ижроия комитети редакцияга қуйидагиларни хабар қилди:

— Хатда масала жуда тўғри кўтарилган. «Заркент» боғдорчилик-узумчилик совхозининг кўпчилик қишлоқлари электрлаштирилган. Аммо электрлаштирилмаган қишлоқлар ҳам бор. Шу мақсад учун 1965 йилдан буён хатта маблағ сарфланмоқда. Ленин хўжалик хатта, қишлоқлари кўп бўлгани учун қаммасини қамраб олишнинг иложи бўлмади. Редакциядан хат олингандан кейин қолган қишлоқларни ҳам электрлаштириш тадбирлари белгиланди. Электрлаштириш ишларига ўттиз тўрт минг сўм маблағ ажратилди. Совхоз раҳбарларининг ишни ташкил қилиши, лойиҳалаш ва пудратчи ташкилотларнинг қаранати бу муҳим ишни 1969 йилда тўла туғатишга мумкинлигидан далолат бераётир. Район ижроия комитети қишлоқларни электрлаштириш кафилини олган ва шартномага имзо чекиб ташкилот раҳбарларининг фаолияти устидан қатъий назорат олиб бораётир. Меҳнаткашлар редакцияга йўллаган хатнинг мазмуни билан улар ҳам таништирилди.

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ ЖАЗОИР МАТБУОТИ УЧУН БАЁНОТИ

ЖАЗОИР, 1 апрель. (ТАСС махсус мухбири). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бугун эрталаб Жазоир ва чет эл журналистлари билан учрашди ҳамда матбуот учун қуйидаги баёнотни берди:

Жазоирлик азиз дўстлар!

Дўст Жазоир Халқ Демократик Республикасига қилган визитимиз бугун тугай деб қолди. Биз революцион кенгаш Раиси ўртоқ Хуари Бумиддиннинг таклифига биноан сафарга чиққан эдик. Биз сизлар билан ҳайрлашар экамиз, табиий равишда дўстлар ҳайрлашганда юраги ачишганидек, юрагимиз ачишса, иккинчи томондан, республика раҳбарлари билан олиб борилган музокараларнинг натижаларидан мамнуният туйғулари билан жўнаб кетмоқдамиз.

Ажойиб мамлакатингиз тўғрисидаги таассуротларни ҳотирамизда узоқ-узоқ вақтларгача сақлаб қоламиз. Бизга Жазоирнинг кўпгина районларига сафар қилиш имконияти яратиб берилди. Биз пойтахтдан ташқари, Оран ўлкасида, Жазоирнинг шарқидаги Аннабда, Саҳрои Кабирнинг қоқ ўртасидаги Уарглуда бўлдик.

Бизнинг бу визитимиз Жазоирнинг янги ҳаёт қурилишидаги муваффақиятлари, ютуқлари ва истиқболлари билан таниш чиқиш имконини берди. Жазоир халқи билан учрашувларимиз биз учун сира унутилмас учрашувлар бўлди. Жазоир халқи ҳамма жойда биз, совет халқи вакилларини самимий ва шодиёна меҳмондўстлик билан кутиб олди, бизнинг мамлакатимизга — Совет Иттифоқига самимий дўстлик туйғуларини изҳор қилди. Сизларни ишонтириб айта оламанки, совет халқи ҳам Жазоир халқига нисбатан шундай қардошлик туйғуларини изҳор қилянти. Кўп йиллик традицион дўстлик ва империализмга карши, тинчликни мустаҳкамлаш учун биргаликда олиб борилган кураш совет халқини Жазоир халқи билан боғлайди.

Биз Жазоирда бўлган вақтимизда ўртоқ Хуари Бумиддин билан ва республикангизнинг бошқа рахбар арбоблари билан учрашдик ва музокаралар олиб бордик. Биз музокаралар давомида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни қай тарика кучайтириш, уни узоқ муддатли ҳамкорликка айлантириш тўғрисида фикрлашиб олдик. Бу масалада тўла ҳамжиҳатликка эришганлигимизни айтиб ўтишим керак.

Биз ҳозирги халқаро вазиятнинг баъзи актуал проблемаларини ҳам муҳокама қилдик. Принципиал масалаларнинг кўпчилиги юзасидан нуқтаи назарларимизнинг бирлиги яна таъкидланди. Совет Иттифоқи ва Жазоир тинчлик учун, империализмга, янги ва эски мустамлакачиликка қарши, халқларнинг озодлиги ва миллий мустақиллиги учун, социал тараққиёт учун курашни давом эттиришга қатъий қарор бергандир.

Музокараларимиз дўстона, ўртоқлик вазиятида ўтганлигини таъкидлаб ўтмоқчи бўламан. Бу эса, ҳар иккала мамлакатимиз ўртасида таркиб топган муносабатларнинг характерини, шубҳасиз, акс эттиради.

Азиз дўстлар!

Қалбларимиз энг илиқ, дўстлик туйғулари билан тўлибтошган ҳолда Жазоирдан жўнаб кетмоқдамиз. Жазоир халқининг янги ҳаёт қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришувини чин кўнгилдан тилайман.

Бизнинг сафаримизга жуда катта эътибор берган Жазоир матбуоти, радиоси ва телевиденеси ҳамда уларнинг барча ходимларига ҳам ташаккур изҳор қилишни истайман.

Мамлакатингизда бизни самимий кутиб олганликлари учун, меҳмондўстликлари учун ўртоқ Хуари Бумиддинга, Жазоир Революцион кенгаши ва ҳукуматининг бошқа аъзоларига, бутун Жазоир халқига чин кўнгилдан ташаккуримизни изҳор қилишни истайман.

Жазоир — Совет дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

Тинч океан чегара округининг Нижне-Михайловкадаги соқчилар пункти. Бу ерга мамлакатларнинг турли бурчакларидан ҳар куни ўнлаб посилка ва хатлар келиб туради. Улар да дахлсиз совет тупроғининг ботир қўриқчиларига чексиз меҳр-муҳаббат ифодаланган. Суратда: чегарачилар янги келган посилкаларни олишяпти.

В. Мариновский ва Д. Чернов фотоси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ
БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Телеянгиликлар, 18.15 — Болалар учун кинофильм, 18.25—Ленинча меҳнат вахтасида, 19.05 — Кинояянгиликлар, 20.20 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.25 — Ун минут музика, 20.35 — Телеянгиликлар, 20.50 — Эстрада шинавандалари учун концерт, 21.30—Ҳужжатли фильм, 21.50 — «Саҳна усталари» Ҳ. Назаровнинг ижодий портрети.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.00—Илмий-оммабоп фильм, 18.50 — Болалар учун қўғирчоқ фильм, 19.30 — Симфоник оркестр чолғу асбоблари, 19.55 дан —Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «Аёллар қисмати» (ҳужжатли фильм), 20.30 — Венгер халқининг миллий байрамига бағишланган эшиттириш.

Рус тилида: 20.45—Телефильм, 21.00 — Ишлик ва бахт қўшиқлари, 21.40 — Телеспектакль.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 4/IV да Дон Жуан.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да Бой ила хизматчи, 4/IV да Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—3/IV да Гули сиёҳ, 4/IV да Гавҳари шамчироғ.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА—3/IV да Учинчи орзу, 5/IV да Дийдор.

КИНО

Қишлоқ детективи — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИЙНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қўлга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги табор — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз соат 4 ва кеч 9.45 минутда).

Асримиздан миллион йил илгари — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

ТЕЛЕВИЗОР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» Республика телевизион ателъесининг ҳамма телевизион ателъелари апрель ойидан бошлаб ҳамма типдаги кинескопларни

ТАРҚАТАДИ

ҳамда буюртмалар бўйича гражданларга радиочастата кабели комплектидан шахсий фойдаланиш учун ташқи антенналар ўрнатиб беради.

Телевизорларни коллектив фойдаланиладиган телевизор антенналарига улаш учун буюртмалар қабул қилади.

Коллектив фойдаланиладиган телевизор антенналарини тузатиш ва техник хизмати турар жой комитетлари билан шартнома бўйича бажарилади.

Консультациялар олиш учун турар жойлари бўйича телевизион ателъеларга мурожаат қилинсин:

Куйбишев райони — Новомосковский кўчаси, 31 «а» уй, телефонлар: 3-5-34-10;

Ленин райони — Куйбишев шоссеси, 63 ўй, телефон 1-1-65-45;

Киров райони—Энгельс кўчаси, 98-уй, телефон № 3-5-08-51;

Чилонзор райони — Пионер кўчаси, 27-уй, телефон № 7-7-10-73, Ғ. Гулом кўчаси, 94-уй;

Фрунзе райони — Б. Хмельницкий кўчаси, 40 «а» уй, телефонлар 5-29-56, 5-28-95;

Октябрь райони — Навоий кўчаси, 18 уй, телефонлар: 4-00-64, 4-03-52;

«Зангори экран» бирлашмасининг техника бўлими телефон № 7-7-16-62;

Сергели шаҳри — 8 квартал, Манший уй, телефон № 5-65-88.

Қилинган иш учун бажаруви чидан наряд учун счёт олинг.

ШАХСИЙ КИШИЛАР ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНМАНГ!

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

4 апрель кеч соат 7 да Совет Иттифоқи биринчилиги учун «ДИНАМО» (Минск) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ.

3 апрель кеч соат 7 да дублёр составлар учрашадилар.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА



ВЕНГРИЯ Халқ Республикасининг пойтахти Будапешт кундан-кунга яшнаб боряпти. Эртага бу ерда Венгриянинг миллий байрами — фашист босқичиларидан озод қилинган кунининг 24 йиллиги нишонланади. Сиз ушбу суратда шаҳарнинг марказий чорраҳасини кўриб турибсиз.

МТИ—ТАСС фотоси.

ЯНГИ ФАШИСТЛАР ФЮРЕРИНИНГ ПРОГРАММАСИ

БОННН, 1 апрель. (ТАСС). Ғарбий Германия янги фашистларининг фюрери Фон Тадден национал-демократик партиясининг юқори Баваридяги ташкилоти Мюнхенда ўтказган йиғинда гапириб, бундестагга ўтказиладиган сайловда «Германия Федератив Республикасида ўнгга силжиш давом этади» деб ишонч билдирди. Айни вақтда Фон Тадден мамлакатни зўр бериб милитарлаштириш талаб қилди. Унинг фикрича, бундесверда хизмат қилмайдиганлар учун «ялпи меҳнат мажбуриятн» жорий этиш ёки уларни «граждан мудофаси» хизматига жалб қилиш зарур эмиш.

Национал - демократик партия фюрининг гапига қараганда, унинг партияси «бундесверда мустаҳкам илдиз отган».

Национал - демократик партия Бавария ташкилотининг бошлиги Хермансдерфер айтган гапларидан шу нарса маълум бўлдики, яқин орада эълон қилинадиган ўзининг сайлов программасида национал - демократик партия ҳарбий жиноятчилар учун «афв умумий» берилишини талаб қилади.

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ БИРДАМЛИГИ

ДЕҲЛИ, 1 апрель. (ТАСС). Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет Комитети, Умум Ҳиндистон тинчлик кенгаши ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги умум Ҳиндистон уюшмаси делегацияларининг кеча бу ерда имзолаган ахборотида: Хитой маъмурларининг Совет Иттифоқи чегарасидаги қуролли ғиғвогарликлари хатарли оқибатлар келтириб чиқариши мумкин, деб таъкидланади.

Совет ҳукуматининг низоли масалаларни музокаралар йўли билан бартараф қилишга тайёр эканлигини изҳор қилган баёноти ахборотда юксак баҳоланади.

Ахборотда дунёнинг ҳамма қисмларида империализмнинг ҳужуми кучайиб бораётганлигига қарши ялпи курашда барча антиимпериалистик ва тинчликсевар кучларнинг бирлиги голт зарур эканлиги таъкидлаб ўтилади. Ҳозирги вақтда, дейилади ахборотда, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясини тўхтатиш ҳамда АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг ҳамма қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетиш барча халқлар учун энг зарур масала бўлиб турибди. Делегациялар, жумладан, СССР да ва Ҳиндистонда Вьетнам халқи билан бирдамлик кампаниясини кучайтириш ва усуллари тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Томонлар араб халқларининг Яқин Шарқда тинчлик ва адолат учун олиб борайётган кураши билан, Жанубий Африка ва Португалия мустамлакалари халқларининг озодлик ҳаракатлари билан бирдамлик юзасидан, Совет Иттифоқи қуролсизланиш соҳасида ўртага қўйган ижобий таклифларни қўллаб-қувватлаш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисидаги таклифларни муҳокама қилдилар.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

БАЙРУТ, 1 апрель. (ТАСС). Қаршилик кўрсатувчи араб ташкилотларининг партизан отрядлари Исроил босқичиларига қарши қуролли кураши тўхтовсиз давом эттирмоқда.

Фаластинлиларнинг «Миллий озодлик» ташкилоти бу ерда эълон қилган ахборотда айтиладики, араб партизанларининг Телль—Робина районидаги ва Телль—Румайладаги (Иордан дарёсининг водийси) кеча кечаси ўтказган жанговар операциялари натижасида Исроилнинг иккита кузатиш пункти вайрон қилинган ва тўртта бронетранспортер мажаҳлаб ташланган.

Бошқа бир ташкилот—«Фаластинни озод қилувчи халқ демократик фронти»нинг ахборотида айтилишича, шу ташкилотнинг жанговар группалари Иордан дарёси водийсининг шимолий қисмидаги Ашдод—Яков районида Исроил автомашиналари колоннасига ҳужум қилиб, бир ҳарбий юк машинасини ёқсон қилганлар.

Яҳёхон президентлик лавозимини қабул қилиб олди

ЛОНДОН. 1 апрель. (ТАСС). Генерал Яҳёхон кеча Пакистон президенти лавозимини қабул қилиб олди. Рейтер агентлиги мухбирининг хабар беришича, бу нарса Пакистон пойтахти — Равалпиндида расмий равишда эълон қилинди. Пакистон ахборот ва радиоэшиттириш министрлигининг баёнотида айтилишича, мамлакатнинг янги конституцияси ишлаб чиқилгунга қадар Яҳёхон президент лавозимини ижро этиб туради.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

РАБОТ, 1 апрель. (ТАСС). «Ал — Кифох» газетаси СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийнинг Марокашга қиладиган ва 1 апрелда бошланадиган визитини табриклайди.

«Н. В. Подгорнийнинг бизнинг мамлакатимизга ташриф буюриши, — деб ёзади газета ўзининг бош мақоласида, — мамлакатларимиз учун катта аҳамиятга эга бўлади. Биз бу визитни қизғин табриклаймиз, чунки биз уни Марокаш билан улуғ дўст мамлакат — Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик руҳи билан суғорилган муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги янги қадам деб биламиз».

«Бизнинг алоқаларимиз, — деб таъкидлайди газета, — Марокаш халқи ўзининг миллий мустақиллиги учун оғир кураш олиб борган давридаёқ бошланган эди. Совет Иттифоқи сиёсий майдонда ва айниқса Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бизнинг миллий проблемаларимизни қўллаб-қувватлаб, Марокашнинг миллий мустақиллигини ҳимоя қилиб чиқиб, бизга қандай ёрдам берганлигини ўша вақтда яхши билган эдик».

Марокаш мустақил деб эълон қилинганидан кейинги даврда, дейилади сўнгра мақолада, бизнинг халқимиз империалистик фитналарга қарши курашни кучайтириб юборди.

СССР бизни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлади, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Совет Иттифоқи ёрдамининг ўзига хос фазилати шундаки, дейилади мақолада, аввало у ҳеч қандай шартлар қўймайди. Совет Иттифоқи ёрдамининг капиталистик мамлакатлар ёрдамидан фарқи ана шу.

Бизнинг Совет Иттифоқи билан алоқаларимиз, деб ёзади сўнгра газета, «халқлар мустақиллиги ва хавфсизлигига қарши фитналар режасини тузаётган ва Араб мамлакатларига қарши тўхтовсиз агрессия ҳаракатлари қилаётган империализмга қарши биргаликда кураш проблемаларини ҳам ўз ичига олади».

Бу визитга жуда муҳим аҳамият берилмоқда, деб таъкидлайди «Ал-Кифох» газетаси, чунки бу визит мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва самарали ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадини кўзда тутади.

Улуғ социалистик мамлакат — халқлар озодлиги учун, бутун дунёда тинчлик иши учун кураш и — Совет Иттифоқининг закили бўлган азиз меҳмон, хуш келибсиз.

ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР

САНТЬЯГО, 1 апрель. (ТАСС). Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашига тайёргарлик кўрувчи комиссия мажлисининг қатнашчиси, Чили Компартияси Марказий Комитети сиёсий комиссиясининг аъзоси, Орландо Мильяс бу ерда гапириб, бу комиссиянинг Москвадаги мажлислари муҳим воқеа бўлди, мажлис натижалари эса халқаро коммунистик ҳаракатнинг муваффакиятларидан далолат беради, деди. Империализмга қарши коммунистик ва ишчи партиялар, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш учун кураш нинг бош мавзуи эканлигини ва унинг муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

«Чили коммунистлари, — деб таъкидлади Мильяс, — бўлажак кенгаш асосий ҳужжатининг лойиҳасини мамнуният билан кутиб олдилар. Бизнинг ишчилар синфимиз ва бутун халқимиз ҳал қилишидан ҳаётий манфаатдор бўлган проблемалар шу лойиҳада ўз ифодасини топган».

Исроил урушқоқлари тинч араб халқига қарши напалм бомбалари ишлатмоқдалар.

Исроил: — Биз қолоқ араб ерларига маданият олиб келмоқдамиз.



Исроилда бош қисмига этом ўрнатилган ракеталар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

— Ҳеч гапмас! Дўстларга қарашмасак, кимга қарашамиз.

З. Дамский чизган суратлар.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ҳаво ўзгариб туради. Қорақалпоғистон АССР, Бухоро ва Самарқанд областларида ёмғир ёғади. Қолган жойларда ёғингарчилик бўлмайди. Ғарб томондан секундига 5-10, айрим жойларда вақти-вақти билан секундига 10-15 метр тезликда шамол эсади. Қорақалпоғистон АССРда 18-23, қолган жойларда 22-27, жанубда 28 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ёғингарчилик бўлмайди, кечаси 14-16, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

БИРГАЛИКДА МАШҚ ЎТКАЗИЛДИ

Бирлашган қўмондонликнинг планига мувофиқ, шу йил 25 мартдан 1 апрелгача Болгария Халқ Республикаси территориясида Болгария Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси ва Совет Иттифоқи қуруқликдаги қўшинлари, ҳарбий-денгиз флотлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари оператив штабларининг иштироки билан биргаликда машқ ўтказилди.

Бу машқ Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуролли кучлари Бош қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали И. И. ЯКУБОВСКИЙ раҳбарлигида ўтказилди.

Машқ генераллар, офицерлар ва штабларнинг оператив тайёргарлиги юксак даражага кўтарилганлигини, уларнинг қуролли кучлар барча турларининг йирик оператив бирлашмаларини бошқариш маҳорати ошганлигини кўрсатди.

Бу машқ ўзаро ҳаракат қилиш масалаларини пухта ишлаб чиқиш имконини ҳам берди ва Варшава Шартномаси мамлакатлари армиялари ўртасидаги жанговар ҳамдўстликни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

ТУРЛИ ХАБАРЛАР

УРТА АСР... ШАҲРИ

ОЛМАОТА яқинида Капчағай сув омбори қурилмоқда. Ирригаторлар Или дарёси бўйида ўрта асрдан қолиб кетган шаҳарнинг қолдиқларини топдилар. 20 та ҳовли, кўплаб бошқа биноларнинг ўрни аниқланди. Шаҳарнинг атрофи девор билан ўралган. Деворларда бир неча миноралар нинг ўрни бор.

АНТАРКТИДАДА... УСИМЛИК

НОРВЕГИЯ экспедицияси яқинда Антарктидадан қайтиб келди. Бу экспедиция абадий музлар билан қопланиб ётган қитъадан... қадимий ўсимлик қолдиқларини топди. Текшириш бу ўсимликнинг «ёши» 150-200 миллион йилга тенглиги аниқланди. Етти сантиметр узунлиндаги бу ўсимлик Антарктиданинг Мо- далар Кироллиги Ери районидан топилди.

СОЛГОН ҒОРИНИНГ СИРИ

МАРИНОВКЕ ва Таможенки (Шимолий Саян) қишлоқлари яқинидаги Солгон ғоридан киши инграганден товуш эшитилиб туради. Бир группа сибирлик спелеологлар бу ғорнинг сирини ўрганмоқчи бўлдилар. Улар махсус нарвонлар орқали 12 метрлик қия музликдан ўтиб, ғорнинг сирини аниқладилар. Ғордан эсиб турадиган шамол ана шу музликка урилиб, киши инграганлари майин товушга айланади. Бу ғор тўқсон метрдан ҳам чуқур. Ғорнинг остидан қадимий ҳайвонларнинг суякларн ҳам топилди.

АСАЛДАН... ЗАҲАРЛАНГАНЛАР

АНГЛИЯДА чиқадиган журналлардан бири ўтган йил мамлакатнинг бир районида беш киши асал еб... заҳарланганлиги тўғрисидаги хабарни босиб чиқарди. Ажаб, шундай шифобахш асал ҳам кишини заҳарларканми?

Текширишда, асаларилар яқин атрофда гуллар етишмаганлиги сабабли заҳарли ўсимликларга қўнганлиги аниқланди. Бу районда 1942 ва 1952 йилларда ҳам шундай ҳодиса рўй берган эди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337604. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 336679, 333553. Илюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 22—62, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 79. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашри этиннинг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02865.